

## Янги заводлар ишга туширилиб, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати барпо этилади



Президент Шавкат Мирзиёев 12 июль куни Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводига ташриф буюрди.

Аграр тармоқда сифат ва самарадорликни техника таъминлайди. Лекин ўнлаб йиллар мобайнида турли қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва чуқур маҳаллийлаштиришга етарли эътибор берилмагани оқибатида техника паркининг йиллик янгиланиш даражаси 2-3 фоиздан ошмас эди. Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ҳам ишламай, бино ва линиялари қаровсиз бўлиб қолганди.

Президент ташрифи бу заводга катта ўзгаришлар олиб келади. Унинг негизида янги заводлар ишга туширилиб, том маънода қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати барпо этилади.

Жумладан, локализация даражасини ошириб, импортни қисқартириш мақсадида бу ерда 5 та корхона ташкил этиш режалаштирилган.

Улардан бири умумий қиймати 42 миллион доллар бўлган металл қувиш корхонасидир. Заводнинг 3 гектарлик бўш турган биносида ташкил этиладиган корхонада йилига 47 минг тонна халқаро талабларга жавоб берадиган, юқори аниқликдаги металл қисмлар қуйилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона учун мўлжалланган бинони кириб кўрди.

– Машинасозлик корхоналари учун металл қувиш қуввати – энг муҳим масала. Усиз маҳаллийлаштириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва таннархини пасайтиришга эришиб бўлмайди. Бу корхоналарни ишга туширсак, техникаримиз рақобатбардош бўлади, фермерларимизга ҳамёнбоп маҳсулотлар етказиб берилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий қиймати 24 миллион доллар бўлган яна 4 та лойиха трансмиссия валлари, ғилдирак дисклари, кабиналар ва маҳкамловчи темир буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган.

Ушбу лойиҳаларни ишга тушириш натижасида соҳада маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизга етказилади, маҳсулот таннархи 32 фоизга ва импорт йилига 116 миллион долларга камаяди.

Шунингдек, бу янги қувватлар нафақат "Ўзагротехсаноатхолдинг" корхоналари, балки

"Ўзавтосаноат" тизимида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, юк транспортлари ва автобуслар учун ҳам бутловчи қисмларни кооперация асосида етказиб беришни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мазкур лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириб, келгуси йил ишга тушириш зарурлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев трактор йигиш ва пайвандлаш цехлари, "ЎзКлаасАгро" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасидаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Уларда локализация даражасини ошириш, янги қисмлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

[president.uz](http://president.uz)